

# **Кабель канализацияси иншоотларини ижарага олиш**

## **18/22-сон ШАРТНОМАСИ**

Фарғона ш.

2022 йил 12. сінвар

“Ўзбектелеком” АҚ номидан 2021 йил 30 декабрь кунги № 27-01-14/6024 сонли ишончнома асосида иш юритувчи директор В.В.Ежков кейинги ўринларда “Ижарага берувчи” деб юритувчи бир томондан ва Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали номидан асосида иш кўрадиган Туҷиғаткеров Н.Д. “Ижарага оловчи” иккинчи томондан (бундан кейин томонлар) ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### **1. Шартнома предмети**

1.1. Кабель канализацияси иншоотларини Ижарага берувчи ижарага беради, Ижарага оловчи кабель канализацияси иншоотларини ижарага фойдаланиш учун қабул қиласи ва ижара хақини тўлайди.

1.2. Ижарага олинаётган мулкни қабул қилиш-топшириш ва қайтариш амалдаги конун хужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилган далолатнома бўйича амалга оширилади.

1.3. Ижарага берувчи кабель канализацияси иншоотларини, кабель канализациясини эгалик ҳуқуқини ва кейинчалик сотиб олиш ҳуқуки берилмаган ҳолда ижарага беради.

1.4. Ижарага оловчи ижара хақини хизматлар кўрсатилаётган пайтда амалда бўлган тарифларга ва томонларнинг жавобгарлик чегаралари (зоналари)га мувофиқ тўлайди.

1.5. Томонларнинг жавобгарлик чегаралари кабель канализацияси иншоотларининг баланс бўйича мансублиги ҳисобланади.

1.6. Кабелларни ётқизиш, каналларнинг жойлашиш схемаси ва каналлар номерлари, уларнинг узунлиги, охирги кузатиш қурилмаларининг номлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловасида кўрсатилади.

### **2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

2.1. Кабель канализацияси иншоотларини Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1 Агар ижарага бериш натижасида унинг ишлаб чиқариш ва/ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашадиган бўлса, ижара шартномасини тузмаслик ва ўз мулкини ижарага бермаслик ёки тузилган шартноманинг амал қилинишини тўхтатиши. Бунда у ўзининг ишлаб чиқариш ва/ёки молиявий кўрсаткичларининг ёмонлашишини ёзма равишда тасдиқлаши ва сабабини асослаб ижара шартномаси тузилишига ёзма равишда рад жавобини бериши керак, амалдаги ижара шартномасини тўхтатиши керак бўлганда эса, Ижарага берувчи Ижарага оловчини шартноманинг амал қилишини тўхтатиши тўғрисида бир ой олдин хабардор қиласи.

2.1.2 Ижарага оловчи томонидан Ўзбекистан Республикасининг амалдаги конун хужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда бузилишлар бартараф этилгунча шартноманинг амал қилишини тўхтатиши ва бу хакда Ижарага оловчини ёзма огохлантириш.

2.1.3 Ёқилғи-энергетик ресурсларига, маҳсулотларга, материаллар ва транспорт харажатларига белгиланган нархлар ва тарифлар ўзгарганда, Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган энг кам иш хақи мөндори ошганида ва х. к. ижара хақи учун тарифларни ва ойлик маошларни ўзгартириш.

2.1.4 Ижарага оловчининг ва пудратчи ташкилотнинг фаолиятни амалга ошириш, кабель канализациясини Ижарага берувчининг ТШни бажариш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияси мавжудлигини текшириш.

2.1.5 Ижарага оловчининг ушбу Шартнома шартларига риоя қилишини, кабель канализациясидан ва ўлчаш ускунасидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинишини текшириш.

2.1.6 Аслида банд каналлар ва Ижарага оловчи томонидан ётқизилган кабелларнинг ушбу Шартномада кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш.